# ЛАБЗИ ҲАЛОЛ ПАХТАКОРГА ЎЗБЕКОНА ЭҲТИРОМ!



Зарбдор районидаги «Тараққиёт» давлат хўжалигининг Собиржон Турдиқулов бошқараётган бўлими заршунослари гектар ҳосилдорлигини 25 центнерга етказиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Далаларда ҳамон 5 та машина тўла қувват билан ишлаяпти. Уларнинг ёрдамида кунига 15—18 тонна ҳосил саранжомланаётир.

СУРАТДА: хўжалик директори Ҳазратқул Бурҳонов (чапдан), механизатор Умматқул Абдураҳмонов ва бўлим бошқарувчиси Собиржон Турдиқулов пахтазорда.



## ЯНА ДАЛАЛАРГА БОШЛАДИ ҲАВАС

● ҒУБОРЛАРДАН ПОКЛАНГАН МОМИҚ!
● ҲАР БИТТА ЭГАТГА ЭГИЛИШНИ ОР БИЛГАН ХАЛҚИМ!

Кўпдан бери пахта ҳақида ёзгани қўл бормас эди. «Миллион эгатларга сочилган ўзбек» ўз қорни учун эмас, ўзгалар манфаати йўлида ерга эгилиб, тупроқ билан битта бўлиб ётгани виждонни қийнарди. Бунга яна не-не авлодларнинг пахта боис чаласаводу майиб-мажруҳ бўлиб қолганлиги, денгизу жилғалар қақшаб, манаман деган эрлар қамоқларда ўртанганини ҳам қўшсангиз, оқ пахтанинг «қора ишлари» ориятингизни қўзғаб, руҳингизни зилзилага соларди.

Ҳа, биз бир пайтлар фахримиз, ғуруримиз дея ифтихор этган момиқ ҳақида ёзишга безиллаб қолгандик. Бунга халқимизни пахта қулига айлантиришу яна у бечорани шу оппоқ пахта туфайли бадном этишлар сабаб бўлганди. Унинг ранги ҳам азал-азалдагидек оппоқ эмас — ғуборлардан, тавқу лаънатлардан қорайиб қолганди.

Ўлмаган қул кўради, деганларидек, 1991 йилнинг кузига ҳам етдиқ. Унинг илк куни юртимизга ҳуррият олиб келди. Яна «ҳорғин руҳимизда шўх олқиш» уйғониб, чеҳрамизда табассум жилва қилди. «Йиғлаган кўзларга тушган каби нур» тағин тонгларимиз масъуд ва жилвагар бўлиб қолди. Олтин кузнинг саховати эса яна ўзимизга насиб этди.

Буюк боболаримиз ватани Қашқадарё бўйлаб кезганимда қалбимда шундай ифтихор туйдим.

**Улуғ меҳнат кезар шан далаларда,**
**Ҳар ёнда ҳоким бир ташвишли илҳом.**

Бироқ аввалгидек бинолар пештоқидаги «Ҳамма пахтага!» деган сийқа чорлову йўллардаги «Сен қанча пахта тердинг?» деган дағдағали сўроқларни кўрмадик. Идоралар ҳам ўз ишини осойишта давом эттирмоқда. Наҳотки, шундай хотиржам ишлаб туриб ҳам пахтадан юксак хирмонлар уйиш, режаларни уддалаш, маррадан ўзиб пешқадам бўлиш мумкин бўлса?! Ҳа, мумкин экан. Қашқадарёнинг барча туманларида бунга ишонч ҳосил қилдик.

Хўш, нега яна пахта ҳақида сўз очаяпмиз? Шунинг ўзи бизнинг яна эскича фикрлай бошлаганимиз, яна ҳамду саноларга йўл очаётганимиз белгиси эмасми? Нима бўлибди, пахта ҳам ҳамма экин қатори бир экин-да, унинг нимасини улуғлаймиз, гўштдан, картошкадан ҳам сўз очиш мумкин-ку! Ҳа, пахта барча экинлар қатори оддий экин. Бироқ пахта неча ўн йиллар давомида бизнинг қўлимизга солинган «юмшоққина кишан» бўлиб келган бўлса, бугун биз истаймизми-йўқми, у мустақиллигимизга ҳам гаров бўлиб турибди. Зеро, чинакам мустақиллик йўлидаги тушову кишанларни узиш учун бугун шу юмшоқ толанинг «ўткир иқтисодий қурол» сифатидаги мавқеидан фойдаланишга мажбурмиз. Шу маънода бугун хирмонларга тоғ-тоғ бўлиб уйилаётган пахталаримиз жафокаш ўзбек халқининг қадди-камоли, дўсту душманнинг кўзини ўйнатаётган дуру гавҳаридир. Шоир айтганидек:

**Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?**
**Кузнинг фалсафаси шудир биз учун.**

Ўн кун бурун Нишонда бўлганимда вилоятнинг энг катта пахта хирмонини берадиган бу қўриқ туманнинг пешқадам хўжаликлари бирин-кетин маррадан ўзаётганининг устидан чиқдим. Биринчи бўлиб «Чороғил»ликлар, кун ўтиб «Чўли Бегимқулов»ликлар маррага етишди. Уларнинг ҳар бири тўрт минг тоннадан ортиқ хирмон уйди. Сўнг эса «Усмон Юсупов»ликлар етти минг тонна хирмон уйиб, зафар қучдилар. Улар ҳосилнинг 95 фоизидан кўпроғини машиналарда териб олишган бўлсалар-да, нуқул аъло сифатли хом ашё топширибдилар.

Бу йилги мавсумнинг яна бир муҳим жиҳати бор. Мен уни ҳузурланиб эшитдим. Тўлиқ ижара усулида ишлашга ўтган хўжаликларда пахта асосан машинада териб олинибди. Энди мажбур қилиш уёқда турсин, ҳатто хоҳлаган тақдирида ҳам деҳқону ўқувчи дейсизми, умуман ким бўлмасин пахтани қўлда термоқчи бўлса, унга иш йўқ. Сабаби — ижарачи бригадалар пахтани машинада тердиришдан кўпроқ манфаат кўради. Мана ҳисоблаб кўринг: бир ижарачининг 30 гектар майдони бўлса, у камида 80 тонна пахта топширади. Унинг ҳар тоннасини қўлда тердириш учун килосига 40 тийиндан 400 сўм тўлаши керак. Шунча пахта машинада терилганда эса 25-30 сўм кифоя, яъни ижарачи бригада ҳар тонна пахтадан 350 сўм тежаб қолаяпти. Агар бу рақамни 80 тоннага чақсангиз, 28 минг сўм бўлади. Ахир бунча пулни ким ҳам теримчи-ҳашарчига бергиси келади?!

Бу Нишон туманида жорий этилаётган дадил иқтисодий тизимларнинг илк шарофатидир. Шу сабабли йиғим-терим аввалги даврлардагидек урхо-ур, умумий сафарбарлик, темир интизом, миршаблар ва прокурорларни оёққа турғазиш билан эмас, эмин-эркин, осойишта ўтмоқда.

Ишнинг моддий манфаатдорлик асосида ташкил этилиши туфайли «Чороғил» ижара бирлашмасида мавсумда 38, Чўли Бегимқулов номидаги хўжаликда 40, Усмон Юсупов номидаги хўжаликда эса 50 дан ортиқ машина тўхтовсиз ишлади. Улар етти-саккизтадан қилиб отрядларга бўлинган. Ҳар бирига созловчи, техник ва маиший хизмат кўрсатувчилар бириктиб қўйилган. Машиналарнинг иши эрталаб соат тўққиздан бошланиб, оқшом то далага шудринг тушгунча давом этади. Шу ўринда ҳаммани бир савол қизиқтиради. Шу чоққача машинада терилган пахтанинг сифати бузилади, исрофгарчилик ҳам бўлади, деб ҳисоблаб келинарди. Бу борада бирор ўзгариш, ижобий силжиш борми?

— Ҳа, бор! — дейди «Чороғил» ижара бирлашмасининг бўлим бошқарувчиси Ҳақберди Бойхонов. — Гарчи масала энг нозик ва мураккаб бўлса-да, сифатни яхшилаш, исрофгарчиликнинг олдини олиш йўллари ишга солиняпти. Пахтасини машинада ёки қўлда тердириш ихтиёри тўлиқ ижарачи бригадирнинг ўзида. Қимнинг машинасини ишлатиш ёки ишлатмаслик ҳам унинг ихтиёридадир. Айтайлик, Менгги Эшмуродова ёки Нурали Турдиқуловнинг 15 гектарлик даласига Мамадали Эшмуродов, Бобоназар Тошқулов, Бобоқул Гуллиев, Бахтиёр Алихонов ва бошқа механизаторлардан иборат олти-етти машиналик отряд кирди. Даладаги эгатлар сони олдиндан ҳисобланиб, ҳар бир машинага теппа-тенг бўлиб чиқилади. Механизатор даланинг ўзига ажратилган қисмидан пахта тераверади. Шу бригаданинг чигитини экиб, парваришлаб, мўл ҳосил етиштирган аъзоларидан истаган бири назоратчи ҳисобланади. Қайсики машина пахтани исроф қилиб, ёмон терса, ижарачилар уни даласидан қувиб чиқаришга ҳаққи бор. Чунки пахтани исроф қилиб, тоза теролмайдиган механизатор ижарачининг йил бўйи пешона тери билан етиштирган ҳосилини йўққа чиқариши, сифатини тушириши мумкин. Демак, даромад ҳавога учади.

### ПУБЛИЦИСТИКА

Районда пахтани кўп эмас, тоза терган механизаторларнинг обрў-эътибори баланд. Мукофотлар, моддий рағбатлантириш тизимлари шуни кўзда тутади. Чўли Бегимқулов номидаги хўжаликнинг оғир карвонини елкасида тутган Олим Бўриев, Очил Иброҳимов, Ашур Ҳайитов, Бекназар Сариев, Усмон Юсупов номидаги хўжалик сорбонлари Абдували Холбоев, Барот Каримов ва Қурбон Тўлаев мавсумда кечаю кундуз тиним билмай, пахтани тезу соз тераётганлари туфайли опа-сингилларни етти букилиб ҳар чаноққа эгилишдан озод қилдилар, ўқувчи болалар ҳам чаласавод бўлиб қолишдан қутулдилар.

Тўғри, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари Америка машиналари сингари пахтани жуда тозалаб тера олмайди. Бироқ шу машиналар ҳам ўз устасининг қўлига тушса, механизатор унга худди ўзининг шахсий машинаси сингари муносабатда бўлса, нафақат хўжаликларнинг, ҳатто бутун Ўзбекистоннинг энг оғир юкини елкасига олиши мумкин экан. Буни сўнгги икки-уч йилда иқтисодий механизмларнинг жорий этилиши аён кўрсатди-қўйди. Агар машина юриб турса, унинг эгаси чўнтагига, бинобарин, болалари дастурхонига у-бу тушади. Юрмаса-чи?! Унда механизатор ёнидан пул тўласа ҳам машинани бир амаллаб юритади.

Фақат механизатор эмас, умуман хўжаликларнинг техника устахоналарида эндиликда ҳар бир механизмни сифатли созлашга, таъмирлашга ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият берилмоқда. Чунки машина ва механизмларнинг қиймати бир неча баробар ошиб кетди. Энди сифатли иш бажармаган, бекор ётган техника фақат даромадга тушов эканлиги чуқур тушуниб етилди. Чунки бугунги иқтисодий шарт-шароит ҳар сўмнинг ўз ўрнини топиб ишлатишга мажбур қилмоқда, ўргатмоқда.

Яхшиямки, пахтанинг харид нархлари оширилди. Акс ҳолда эндиликда нарх-наво ошганлиги учун ҳар ишчи ҳисобига 60-70 сўмлик товон тўлашлар ҳам хўжаликларнинг бўйнига тушаётган эди. Агар харид нархлари оширилмаса, шу йилнинг ўзидаёқ жумҳуриятнинг кўплаб деҳқончилик хўжаликлари қарзга ботиб қоладилар. Ўзбекистон Жумҳурраисининг бу борадаги фармони эса айни кўнгилдаги иш бўлди. Мана ҳисоб-китоблар: Чўли Бегимқулов номидаги хўжалик ўтган йили фақат пахтанинг ўзидан 5,5 миллион сўм, бошқа тармоқлардан эса икки миллион сўм даромад олган бўлса, бу йил фақат пахтанинг ўзидан 9 миллион сўм даромад қилишни мўлжалламоқда. Барча ҳаражатлар — техника, ишчи кучлари, бутун йил бўйи қилинган меҳнат, солиқлар — ҳаммаси чегириб ташланганидан сўнг ҳам фақат пахтанинг ўзидан салкам уч миллион сўм соф даромад кўрилади.

— Унинг 1,5 миллион сўмини хўжалик меҳнаткашларини моддий жиҳатдан муҳофазалаш, рағбатлантириш мақсадларига сарф этамиз, — дейди хўжалик раҳбари, таниқли чўлқувар Баҳриддин Мингяшаров. — Қолганини эса деҳқонларга уй қуриб бериш, қишлоқларни газлаштириш, йўл қуриш, янги болалар боғчаси бунёд этиш сингари ободончилик ишларига сарф этилади. Агар пахтанинг харид нархи ошмаганда эди, мана шу ишлар яна аввалгидек жойидан жилмай тураверарди.

Яқинда 90 йиллиги кенг нишонланган Чўли бобо Бегимқулов номи билан аталаётган бу илғор хўжалик кейинги икки йил ичида 126 оилага 25 сўтихдан ер ажратиб берди. Ер эгаларининг ҳаммаси чиройли, обод уйлар тикламоқда. Хўжалик ҳисобидан ҳам деҳқонларга 20 га яқин уй қуриб берилмоқда. Бу ўзбек қишлоғида сўнгги йилларда юз бераётган беқиёс ўзгаришлардан далолатдир.

Фақат биргина шу хўжаликда эмас, Усмон Юсупов, С. Альенде номидаги, шунингдек 1, 7, 32-давлат хўжаликларида ҳам маданий-маиший шароитларни ўнглаш учун кенг имкониятлар вужудга келмоқда. Масалан, Усмон Юсупов номидаги хўжалик бу йил барча тармоқларда режани уддалаб, 25 миллион сўм даромад олади. Шунинг 5.5 миллиони соф даромад бўлиб, бу ўтган йилдагидан икки ярим баробар зиёддир. Соҳаларнинг сердаромадлиги жиҳатидан бу хўжалик кўп йиллардан бери туманда пешқадам. Шу сабабли 694 ўринли янги мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси, 25 хўжалик учун уй қурилаётир, 15 километрдан ортиқ йўл ободонлаштирилмоқда. Бу ишлар Сафар Холбоев, Муродали Назаров, Тоҳир Узоқов, Баҳром Маҳмудов, Эргаш Раҳимов, Бойқул Тоғаев, Панжи Азизов, Аҳмад Эсонов, Нормўмин Равшанов, Сафар Ярашев сингари ишнинг кўзини биладиган, абжир ва жонкуяр ишбошиларнинг фидойи меҳнати самарасидир.

«Ишларку яхши экан, тирикчилик қандай ўтаяпти, таъминот қай аҳволда?» деган саволлар келиб чиқиши табиий.

— Биз ун, гуруч, шакар сингари камёб маҳсулотларни ҳар бир оилага жон бошига теппа-тенг тақсимлаб, одамларнинг уй-уйларига тарқатишни ташкил этдик, — дейди Усмон Юсупов номидаги хўжалик раҳбари Холиёр Абдуназаров. — Навбат кутишлар, норозиликларнинг олди олинди.

Райондаги барча хўжаликларда бу йил ҳар бир оилага жон бошига қараб оз-оздан ғалла тарқатилди. Тегирмонлар ишлаб турибди. Қолаверса, суғориладиган ғалла майдонлари пахта ва бошқа экинлар ҳисобига кескин кўпайтирилмоқда. Айни кунларда ғалла экиш кенг кўламда олиб борилаяпти. У. Юсупов номидаги совхозда 1000, «Чороғил» бирлашмасида эса 1150 гектар майдонга ғалла экилди. Бу ўтган йилгига қараганда 350-450 гектардан кўпдир. Фақат ғалла эмас, картошка-пиёз майдонлари ҳам эҳтиёжга кўра кенгаяди. Бу тадбирлар одамларнинг кўнгли тўқ бўлишига кафолатдир.

Ўзбекистон халқ ноиби, халқ депутатлари туман кенгаши раиси Ҳ. Фармоновдан ютуқларнинг сирини сўрадим. У узоқ ўйланиб тургач, бундай деди:

— Одамлар ишламасдан тишлашга ўрганиб қолишган, бирнинг касри мингга уриб, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриш оммалашганди. Биз аввало мана шу ақидани буздик. Ҳалол ишлаганнинг, ҳар тийиннинг ҳисобини биладиган, фурсатни бой бермайдиганнинг қадр-қиммати ошиб, моддий фаровонлиги яхшиланди.

Бу гапларнинг исботи сифатида қуйидаги рақамларни келтириш мумкин: туманнинг бу йилги даромади 263 миллион сўмни ташкил этмоқда. Шунинг 63 миллион сўми соф даромад бўлиб, 43 миллиони эса фақат пахта ҳисобига қўлга киритилмоқда. Демак, энди пахта аввалгидек хўжаликларни қарзга ботирадиган, иқтисодни издан чиқарадиган экин эмас, балки белимизни бақувват, турмушимизни фаровон қиладиган воситага айланаётир. Пахтанинг 95 фоиздан кўп етиштирилган қисмини истаган харидорга — у хорижданми, қўшни жумҳуриятданми бўлишидан қатъий назар — сотиш деҳқоннинг ихтиёрига берилаётгани фикримизнинг исботидир.

Демак, мустақил Ўзбекистонимизнинг бу йилги улкан «оқ олтин» хирмони ғуборлардан фориғдир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ.



Беруний районидаги «Правда» жамоа хўжалигининг Ўзбекистон халқ депутати Рўзигул Райимбетова бошлиқ бригадаси пахтакорлари йиғим-теримда карвонбошилик қилмоқдалар. Улар бу йил 55 гектар майдондан 170 тонна юқори нав пахта етиштиришмоқчи.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Рўзигул Райимбетова.



Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигига қарашли Уктам Шарипов бошлиқ бригаданинг теримчиси Насиба Неъматова бугунга қадар 5 тоннадан зиёд хирмон уйди. Айни кезларда у ҳар куни 130—150 килограммдан «оқ олтин» термоқда.



Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг мингдан зиёд талабалари йиғим-теримда Бувайда, Ўзбекистон ва Киров районларининг пахтакорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мазкур районларда йиллик режа аллақачон уддаланган.

СУРАТДА: ўзбек тили ва адабиёти факультетининг студенткаси Анна Чибисова. У кунига 60—80 килограммдан пахта тераяпти.



Нарпай районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг заршунослари қабул пунктига 2.700 тоннадан зиёд пахта топшириб, йиллик режани ошириб бажардилар. Бунда Бобоёр Тожиев бошлиқ бригаданинг муносиб ҳиссаси бор. Бу жамоа аҳли гектар ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш йўлида йиғим-теримни тобора қизитмоқда.

СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Бобоёр Тожиев.



Шуҳрат Ҳайитов Косон районидаги «Ўлмас» пахта қабул қилиш пунктида транспортёрчи бўлиб ишлайди. Бу моҳир ишчи кунлик режани 1,5—2 ҳисса адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ, К. ТУРСУНОВ, Т. НОРҚУЛОВ, Ж. ҚОЗОҚОВ, Ф. НАЗИРОВ ва В. МОЛГАЧЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

